

ШАРТНОМА № 8/35
(Матбаа ишлари учун)

Тошкент шаҳри

30 декабрь 2022 йил

«Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталари таҳририяти» ДК (кейин ўринларда «БУЮРТМАЧИ» деб юритилади) Устав асосида иш юритувчи Бош муҳаррир С.М.Дониёров бир томондан ва «Шарқ» Ж.Ш.Т.К. (кейин ўринларда «ИЖРОЧИ» деб юритилади), Устав асосида асосида иш юритувчи А.С.Тўлқинов Бош Директор иккинчи томондан қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома «Буюртмачи» ҳамда «Ижрочи» ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлигини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

1.2. «Буюртмачи» кўрсатмасига мувофиқ, «Ижрочи» «Янги Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталарини, мувофиқ равишда А-2, 6, 4+4 ва А-2, 4, 4+1 форматларда, обуначиларнинг сонидан келиб чиқиб шакллантирилган ҳамда «Буюртмачи» томонидан «Ижрочи»га тақдим этилган буюртмада кўрсатилган ададда, ҳафтасига 5 марта (сешанба – шанба кунлари) ўзбек ва рус тилларида нашр этиш бўйича қатор матбаа ишларини бажаришни ва хизматларни кўрсатишни ўз зиммасига олади.

2. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий баҳоси **23 425 920 000,0** (йигирма уч миллиард тўрт юз йигирма беш миллион тўққиз юз йигирма минг) сўмни ташкил этади (ҚҚС билан).

2.2. Ушбу шартноманинг 2.1. бандида кўрсатилган хизмат нархи, ушбу шартноманинг охиригидан муддатига қадар белгиланади.

Нашрларнинг адади ўзгарганида (камайган, ёки ортганида), шунингдек, дам олиш ва байрам кунлари нашрларни қўшимча чиқариш билан боғлиқ бўлган, белгиланган режадан ортиқча чоп этилган ва улар бўйича бажарилган барча қўшимча иш (хизмат)лар ҳақини (тақдим этилган ҳисоб-фактурага мувофиқ) «Буюртмачи» тўлайди.

2.3. «Буюртмачи» ҳар ой бошида банкнинг беш иш кунидан кечиртирмай матбаа хизматлари учун ойлик тўловнинг 30%ини олдиндан тўловини амалга оширади. Тўловнинг қолган 70%ини, ҳисобот оyi якунига кўра, тақдим этилган ҳисоб-фактурага асосан беш кун ичида тўланади.

2.4. Матбаа материаллари, энергия манбалари, иш ҳақи ва бошқалар ошган тақдирда, матбаа ишлари ва хизматлари нархига томонларнинг келишувига кўра ўзгартишлар киритилиши мумкин.

2.5. «Буюртмачи»нинг айби билан технологик ишлар такрор қилинганда, ортиқча бажарилган ишлар қиймати томонлар ўртасида имзолаган далолатнома асосида «Буюртмачи» томонидан тўланади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.1.1. Бошланғич материаллар (хом-ашё) билан таъминлаши мумкин. Нашр учун тегишли сифатдаги қоғоз, қоғознинг мулкый эгалигидан қатъий назар O'zDST 2317:2012 асосидаги белгиланган меъёрий ва техник талабларга жавоб бериши керак.

3.1.2. Аниқ бажарилган ва Таҳририят масъуллари томонидан тасдиқланган, босма (PDF) файлларни, газеталар саҳифаланган куни, босмаҳонага ЎЗА якунидан кейин икки соат ичида чиқаришга тайёрланган, ҳар бир саҳифаси имзоланган, тўлиқ хомаки (муфовиқ рввишда 4+1, 4+4) макетни тақдим этади. Ёзилган файл имзоланган макетга мувофиқлиги таъминлайди.

Газета саҳифаларининг электрон файлларини тайёрлашда юқорида кўрсатилган стандартлар талабига риоя қилинмаса, бунинг учун тўғридан-тўғри «Буюртмачи» жавобгар бўлади. Газета макетидаги дастлабки материаллар, файллар ва матнлар шрифтлари ўзгаришининг олдини олиш учун «Буюртмачи» шрифт ва файлларни сақлаш ва «қотириш» мумкин бўлган дастурлардан фойдаланишни ўз зиммасига олади.

3.1.3. «Ижрочи» газетанинг асосий ададини чоп этиш (босиш)ни бошлашдан олдин, Таҳририятнинг ваколатли навбатчи ходими газетанинг босмадан чиққан дастлабки назорат нусхасини тасдиқлайди.

3.1.4. «Буюртмачи», «Ижрочи»га газетанинг чиқиш жадвалидаги ўзгаришлар ҳақида саҳифалар сони ва адади аниқ кўрсатилган ҳолда чоп этиш бошланишидан олдин хат, факс ёки бошқа алоқа йўли билан хабардор қилади.

3.1.5. «Буюртмачи» босиш жараёни бошланишидан олдин мунозарали масалаларни ҳал қилаоладиган ва компьютер саводхонлигига эга навбатчи муҳаррир билан таъминлаши керак. «Ижрочи»га навбатчининг алоқа маълумотлари: ФИШ, лавозими, уй ва қўл телефони рақамлари тақдим этади.

3.1.6. Кўрсатилган хизмат учун «Ижрочи» томонидан тақдим қилинган ҳисоб-фактура бўйича тўловни ўз вақтида амалга оширади.

3.2. «Ижрочи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

3.2.1. Газета ададини аниқ, бир текис босма, тиник тасвир ва варақни тўғри тартибда буклаш асосида чоп этиш. «Ижрочи»нинг айби билан адад яроқсиз ҳолатда чиққанида, «Ижрочи» босишни тўхтатиши, ададни ушлаб туриш, ортга қайтариш ва уни йўқ қилиш чораларини кўриши, сифатсиз чиққан қисмини ўз ҳисобидан чоп этиб бериши шарт.

3.2.2. Газеталарни чоп этиш, саралаш ва ўрашга оид матбаа ишлари (хизматлари)ни бажариш (кўрсатиш).

3.2.3. «Буюртмачи»нинг талабига мувофиқ, газета ададини Томонларнинг ўзаро келишилган хизматлар (ишлар)ни кўрсатиш (бажариш) муддатида чиқинди қоғоздан қилинган прокладкага (пастки ва юқори қисмидан) ўрайди ва тасма билан боғланган ўрамларни стандарт пакетларга кадоқлайди.

3.2.4. Чоп этилган, саралаб, кадоқланган тайёр газеталарни «Буюртмачи» тақдим этган рўйхатга мувофиқ, тегишли миқдорларда «Matbuot tarqatuvchi» АК, «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг «Xalqaro rochtamt» филиали ва бошқа матбуот тарқатувчи ташкилотларнинг алмашув пунктларига алоҳида экспедиция шартномаси асосида етказиб беради. «Буюртмачи» ўзига тегишли ададдаги газеталарни «Ижрочи»нинг алмашув пунктдан мазкур шартномага мувофиқ, ўз кучи билан олиб чиқиб кетади.

3.2.5. Яроқсиз маҳсулот аниқланганида, «Буюртмачи» ва «Ижрочи» имзолайдиган далолатнома асосида 24 соат ичида нашрнинг сифатсиз намуналари ўрнига сифатлисини ишлаб чиқаради.

3.2.6. «Буюртмачи»га ишлаб чиқариш хизматларини пуллик асосда кўрсатиш. Кўрсатиладиган хизматларнинг бошқа турлари, сони, муддатлари, тўлов ва бошқалар қўшимча келишув билан белгиланади.

«Буюртмачи» томонидан қўшимча хизмат бўйича ёзма мурожаат қилинганида, «Ижрочи» ўзининг хомашёси: чоп этиш учун қоғозидан фойдаланиши мумкин. Бундай вазиятда «Ижрочи» қўшимча ҳисоб-фактура тақдим этади.

3.2.7. Агар олдиндан тўлов жорий ҳисоб рақамига тушмаса, «Ижрочи» газетанинг навбатдаги сонини чоп этишни бошламаслик ҳуқуқига эга. Қарз бир ой ичида ёпилмаган тақдирда «Ижрочи» чоп этиш (газетани чиқариш)ни тўхтатишга ҳақли.

4. ҚОҒОЗ. ҚОҒОЗГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

4.1. «Ижрочи», «Буюртмачи»га тегишли газеталарни чоп этишда, ўзининг қоғозидан ёки «Буюртмачи»нинг қоғозидан фойдаланиши мумкин. Ҳар қандай вазиятда ҳам қоғоз сифати техник ва технологик талаблар ва стандартларга мувофиқ келиши керак.

4.2. Ўрам-офсет дастгоҳларида чоп этиш учун чиқиндилар меъёри тасдиқланган меъёрларга мувофиқ белгиланади. Газетани белгиланган ададда чоп этиш натижасида ҳосил бўлган қоғоз ва барча техник чиқиндилар «Ижрочи» ихтиёрида қолади. «Ижрочи» газеталарни чоп этишда «Буюртмачи»нинг қоғозидан фойдаланган тақдирда, чоп этиш натижасида ҳосил бўлган қоғоз чиқиндилари «Буюртмачи»нинг ихтиёрига ўтказилади.

4.3. Қоғоз сифати техник ва технологик талаблар ҳамда тасдиқланган стандартларга мувофиқ келиши керак. Газеталарни ўрам офсет дастгоҳларида чоп этишда чиқиндилар меъёри «O'zDAVMATBUOTLITI» томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 10.12.2010 йилдаги №341-буйруғи билан тасдиқланган меъёрларга мувофиқ белгиланади. «Буюртмачи» олиб кириладиган қоғоз учун ҳужжатлар (*сифат сертификати, аслик сертификати*)ни тақдим этиши шарт. Қоғознинг сарф қилиниш меъёри босмаҳонадаги тасдиқланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.

4.4. Буюртмачининг қоғозидан фойдаланишда, «Ижрочи» қоғозни қабул қилиш, тушириш, сақлаш, қайта ишлаш ва ҳисобга олишни таъминлайди. Ушбу ишлар ҳақини алоҳида тақдим этилган ҳисоб-фактурага мувофиқ «Буюртмачи» тўлайди.

5. ТАЙЁР МАҲСУЛОТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ТОПШИРИШ ТАРТИБИ

5.1. Тайёр ададни Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг «Xalqaro pochтамт» ва «Toshkentpochtamti» филиаллари (АЖП) участкаси, «Matbuot tarqatuvchi» АКга жўнатиш (етказиб бериш) ва тарқатиш «Ижрочи» томонидан амалга оширилади.

5.2. Газета мустақил тарқатилган тақдирда «Буюртмачи» чоп этиш якунланган куни боғламни қайта ҳисоблаш ҳуқуқига эга ва уларнинг сони тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, тайёр газетанинг сони чиқиши якунланган куни ўз кучи билан, ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз олиб чиқиб кетади. Тайёр бўлган, аммо ўз вақтида олиб кетилмаган маҳсулотнинг сақланиши ва ўз ҳудудидан ташқарида аниқланган (ўрамдаги газета сони) етишмовчилик учун «Ижрочи» жавобгар бўлмайди.

5.3. Ададни тайёрлаш, саралаш, қадоқлаш хизматлари учун «Ижрочи», «Буюртмачи» тақдим этган рўйхатга мувофиқ, тегишли миқдорларда «Matbuot tarqatuvchi» АК, «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг «Xalqaro pochтамт» филиали ва бошқа матбуот тарқатувчи ташкилотларнинг алмашув пунктларига, алоҳида экспедиция шартномаси асосида газеталарнинг бир нусхаси учун ўрнатилган таърифга мувофиқ ҳақ олади. «Ижрочи» бир дона газетани тайёрлаш, қадоқлаш, экспедиция хизматлари учун тарифни, ишлаб чиқариш харажатларидан келиб чиқиб мустақил белгилайди ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар билан алоҳида шартномага мувофиқ қўллайди.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ЭЪТИРОЗЛАРИНИ (РЕКЛАМАЦИЯ) КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар шартнома шартларини бажармагани ёки лозим даражада бажармагани учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

6.2. «Буюртмачи» тарқатилаётган маълумотларнинг ҳолислиги ва ишончилиги учун оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчилик ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари билан белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6.3. «Буюртмачи» мазкур шартноманинг 3.1. бандига риоя қилмаган ҳолда, шунингдек, ишлаб чиқариш учун сифатсиз иллюстрация материалларини топширганида, «Ижрочи» газетани чоп этишни «Ижрочи» учун қулай бошқа вақтга кўчириш ҳуқуқини сақлаб қолади. «Ижрочи» газетанинг асосий ададини чоп этиш (босиш)да газета(лар)нинг босмадан чиққан дастлабки назорат нусхасини тасдиқлаш учун ваколатли ходим бўлмаган тақдирда босмаҳона жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.4. Газеталарни босиб чиқаришни асоссиз кечиктирса, «Ижрочи» «Буюртмачи»га кечиктирилган кун учун, газеталар чиққан кундаги адад қийматининг 0,5%и миқдорида жарима тўлайди.

6.5. «Буюртмачи» ҳар ой бошида матбаа хизматлари учун ойлик тўловнинг 30%лик олдиндан тўловини, шунингдек, ой якунига кўра тўловнинг қолган қисми тўловини кечиктирса, кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлов қийматининг 0,5% миқдорида жарима тўлайди.

6.6. Ишлаб чиқаришда материалларни ўтказиш жадвалини бузганлик учун айбдор томон иккинчи томонга кечиктирилган ҳар бир кун учун, кечиктирилган бир кунлик газеталар нархнинг 0,5% миқдорида, шунингдек, кам юкланган ёки ортиқча юкланган нашрлар сабаб самолётлардаги чекланган рейслар учун «Ўзбекистон почтаси» АЖнинг «Xalqaro pochтамт» филиали тақдим этган ҳисоб-фактурасида кўрсатилган қўшимча тўловни амалга оширади.

6.7. Жарима тўловини амалга оширилиши, жарима тўловчи томонни мазкур шартномада унга белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6.8. Чоп этиладиган файлни етказиб бериш тезкорлигини таъминлаш. «Буюртмачи» оператор-саҳифаловчиси «Ижрочи» оператори билан PDF файлларни текшириб, имзоланган макетни босмаҳонага тақдим этган вақт, чоп этиладиган файлларни якуний топшириш вақти ҳисобланади. Таҳририят файлларни тайёрлаш ва фотосуратларнинг асл нусхаларини градацион қайта ишлаш сифатига жавобгардир.

6.9. Мазкур шартномада назарда тутилмаган нормалар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексида назарда тутилган нормалар билан тартибга солинади.

7. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада, томонларнинг ҳар бири учун биттадан оддий ёзма шаклда тузилади.

7.2. Ушбу шартнома имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва 2023 йил 31 декабргача амал қилади.

7.3. Шартнома шартлари томонларнинг келишувига кўра, у амал қилаётган пайтда қайта кўриб чиқилиши, тўлдирилиши, ёхуд ёзма келишуви билан кейинги муддатга узайтирилиши мумкин. Киритилган ўзгартиришлар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.4. Шартномани бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, бекор қилиш бўйича ташаббус кўрсатувчи томон иккинчи томонни бир ой олдин шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда огоҳлантиради (қонунда белгиланган ҳамда нашр фаолияти тугатилган ҳоллар бундан мустасно).

7.5. Шартнома муддатининг тугаши томонларнинг мазкур шартнома юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбурий шартларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда олддини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатлар.

8.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар оқибатида шартнома томони мажбуриятларни бажариши учун имконият бўлмаганда шартнома томони енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини исботлагандан кейингина шартномавий мажбуриятларни бажаришдан озод этилади.

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Шартнома юзасидан келишмовчиликлар ва низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ёзма ёки оғзаки музокара йўли билан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликлар музокара орқали ҳал қилинмаган тақдирда, улар Тошкент шаҳар туманлараро Иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

“БУЮРТМАЧИ”

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДК
Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳ/р: 2021 0000 6001 2701 2001
АТИБ “Ипотека банк” Меҳнат филиали
МФО: 00423; СТИР: 201 140 445;
ОКЭД: 87100
Телефон: (71) 233-08-83



Бош муҳаррир

С. Дониёров

“ИЖРОЧИ”

SHARU, BMAK 41
УЛ. Б. ТУРОН, 41 ТЭЛ: 2365525
РСМ 20210000800101007001
ГООНБВЭД РУС МОО00407
ИНН 201051699 ОКЭД 18120



(имзо)

Юристушчи

(Handwritten signature)